

# Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш учун

## №64 - сонли шартнома

Тошкент шаҳри

« 20» июнь 2022 йил

Яшнобод тумани МТБ келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб Низомга асосан компания Мудир В.Ж.Акрамова бир томондан «ORDER MAX PROJECT» МЧЖ кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб аталиб ҳамда Низом асосида иш юритувчи номидан раҳбар **Ж. Бахрамов**нинг томондан мазкур лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш ишлари бўйича шартнома тузилди:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1 Мактабгача таълим бўлими -Марказлашган бухгалтериянинг 2022 йил 15 июньдаги № 27439-сонли йнгилиш баённомасига асосан бажарувчи **Яшнобод туманидаги 272, 531-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги жорий таъмирлаш ишлари учун смета лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни** ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун топширик бериш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари, тартиб-қоидалари ва меъёрларига риоя этган ҳолда ишлаб чиқади.

1.4. Бажариладиган ишлар тартиби, амалга ошириш муддатлари қуйидаги тартибда:

- бажариладиган ишлар муддатининг календар режаси 1-иловага мувофиқ;
- асослаштирилган келишув баённомаси 2- иловага мувофиқ;

Ушбу иловалар шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

### 2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1. **Буюртмачининг мажбуриятлари:**

2.2. Бажарувчи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш.

2.3. Тайёр бўлган лойиҳа-смета амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш мажбуриятини олади.

2.5. **Бажарувчининг мажбуриятлари:**

2.6. Бажарувчи ишларни техник топширик ва келишилган график асосида ўз вақтида сифатли бажаришни, Буюртмачи билан бажарилган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишиш;

2.7. Объектнинг қурилиш-монтаж жараёнида муаллифлик назоратини олиб бориш ишлари амалга ошириши шарт;

2.8. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир ҳафтадан ошмаган муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажариш мажбуриятини олади.

### 3. ИШЛАРНИНГ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Қуйидаги шартларнинг тўлиқ амалга оширилганда тарафлар имзоланган шартнома мажбуриятларнинг бажарилиши бошланган ҳисобланади.

3.2. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан 3 нусхада лойиҳа-смета ҳужжатлар тўпламини топширади.

3.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг руйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш бир-бирини хабардор қилиши ва 15 иш кунини ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани



кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхталиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

3.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

#### **4. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ.**

4.1. Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси қўшимча қиймат солиғи билан – **11 200 000** Ўн бир миллион икки юз минг сўмни ташкил этади.

4.2. «Буюртмачи» шартнома имзолангандан сўнг шартнома баҳосининг 30 % миқдорига бўнак (аванс) тўловини амалга оширади.

4.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади. Қуйидаги ҳолларда:

-ишлар қиймати кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган яъни (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда ва ишлар Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тарафлар бажармаганда мазкур шартноманинг амалдаги талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ШНК 1.03.01-08) мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

5.2. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлангунга қадар жавоб беради. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини сифатини ошириш мақсадида бепул қайта ишлаб чиқади.

5.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

5.4. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан ҳолларда, томонлар келишувига эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳақи кечиктирилган ҳар бир кун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорига Бажарувчига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.6. Бажарувчи томонидан смета ҳужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.7. Шартнома «Бажарувчи»нинг ташаббуси билан бекор қилинганда, шартнома бекор қилингунга қадар бажарилган ишлар учун тўланган маблағ «Бажарувчи»га қайтарилмайди.

5.8. Шартнома муддатидан олдин бекор қилиш таклифини билдирган тараф 10 кун олдин муддатда иккинчи тарафни хабардор қилиши лозим. Бунда тарафлар ўртасида ҳақиқатда амалга оширилган ишлар бўйича белгиланган ҳужжатлар асосида тўлиқ ҳисоб-китоб қилинган ҳолда амалга оширилади.

Пеня тўлаш Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китоблардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

5.9. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

#### **6. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.**

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч), эпидемия ва ҳ.к. оқибатида мажбуриятларни



бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларини ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## 7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

7.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

7.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

7.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий кийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий кийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди.

7.4. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

## 8. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

8.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИ ВА ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ

«БУЮРТМАЧИ»

«ИШ БАЖАРУВЧИ»

**Яшнобод тумани МТБ**

Манзил: Окдарё кучаси 122

ИНН 305149861 ОКЭД 84112

Л/с 100022860262907091100251047

Р/с 23402000300100001010

ИНН казначейство 201122919

МФО 00014 Банк МБХКМ

«ORDER MAX PROJECT» МЧЖ

Манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани,

Дилсарой кўчаси, 1 Д уй

Тел. 97) 7608432

Х/р 2020 8000 9005 0223 6001

Банк номи: "ORIENT FINANS" банк

Амалиёт бошқармаси

МФО 01071 ИНН 303 456 062

ОКЭД 71110

Мудир \_\_\_\_\_

В.Ж.Акрамова  
(мухр. имзо)



/Директор \_\_\_\_\_

Ж.Бахрамов



2022 йил 20.06 даги  
№64-сонли шартномага 1-илова

**Бажариладиган ишларнинг календар  
РЕЖАСИ**

Объектнинг номланиши	Бажариш муддати	
	Бошланиши	Тугаши
<u>Яшнобод туманидаги 272,531-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги жорий таъмирлаш ишлари учун смета лойиҳасини ишлаб чиқиш</u>	Аванс тушгандан сўнг	10 иш куни.

«БУЮРТМАЧИ»

Яшнобод тумани МТБ

\_\_\_\_\_ В.Ж.Акрамова



«ИШ БАЖАРУВЧИ»

«ORDER MAX PROEKT» МЧЖ





2022 йил 20 июндаги  
№64-сонли шартномага 2-илова

## Шартнома баҳосининг келишув БАЁННОМАСИ

Биз қуйида имзо қўювчилар: Бажарувчи, Яшнобод туманидаги 272,531-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги жорий таъмирлаш ишлари учун лойиха-смета ҳужжатларини Буюртмачининг топшириғига асосан ишлаб чиқишни ўз зиммасига олади.

Ишлаб чиқиш бўйича 2022 йил 20 июндаги № 64 -сонли шартнома баҳосини қўшимча киймат солиғи билан - 11 200 000 (ўн бир миллион икки юз минг) сўмга тенг деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

«БУЮРТМАЧИ»


Яшнобод тумани МТБ

\_\_\_\_\_ В.Ж.Акрамова

«ИШ БАЖАРУВЧИ»

«ORDER MAX PROJECT» МЧЖ

\_\_\_\_\_ Ж. Баҳрамов





Ўзбекистон  
Республикаси  
Қурилиш вазирлиги

№ 5553-495f-206f-647d-4356-2950-2545  
Хужжат яратилган сана: 2020-07-28  
Ариза рақами: 20990075

Хужжат берилган: "ORDER MAX PROJECT" mas'uliyati  
cheklangan jamiyati  
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 303456062

### Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун ЛИЦЕНЗИЯ

"ORDER MAX PROJECT" mas'uliyati cheklangan jamiyati га объектларнинг мураккаблик тоифалари классификатори бўйича III тоифадаги объектлар учун қуйидаги: Тўлиқ комплексда лойиҳалаш бўйича фаолият турлари. А гуруҳи Уй-жой-хўжалик қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. Саноат қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. Б гуруҳи - Бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш. Бинолар ва иншоотларни мустаҳкамлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари. Қурилиш объектларини капитал ва жорий таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари. Бинолар ва иншоотларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш: вертикал режалаштириш. кучсиз токли қурилмалар; автоматлаштириш ва паркдан фойдаланиш коэффиценти; электр билан иситиш; электр билан ёритиш; энергия таъминоти; газ асбоб-ускуналари; сув қувури ва канализация; газ таъминоти; совуқ ҳаво таъминоти; электр асбоб-ускуналари; иситиш, вентиляция, кондиционерлаштириш; фаолият тур(-лар)и билан шуғулланишга лицензия берилди.

Лицензия берилган сана: 28-07-2020 йил

Лицензия рақами: АЛ-001302

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР): 303456062

Юридик шахснинг почта манзили: Toshkent shahri, Shayxontohur tumani I.Karimov ko`chasi, 16a-uy

Лицензия амал қилиш муддати чекланмаган.

ТУРСУНОВ АСКАР ШЕРАЛИЕВИЧ

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун [go.gov.uz](http://go.gov.uz) веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

5962





Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"ORDER MAX PROJECT" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning → tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"ORDER MAX PROJECT" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxaldan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

30.09.2015

008666-09

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (soz bilan), yil).

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

303456062

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Olmazor tumani, Dilsaroy ko'chasi, 1 D-uy,

Guvohnoma berilgan:

Toshkent shahri, Olmazor tumani, DAVLAT XIZMATLARI  
MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi).





**ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**СВИДЕТЕЛЬСТВО**

**О ГОСУДАРСТВЕННОЙ РЕГИСТРАЦИИ В КАЧЕСТВЕ  
ПЛАТЕЛЬЩИКА НАЛОГА НА ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ**

Настоящее Свидетельство подтверждает государственную регистрацию в качестве плательщика налога на добавленную стоимость и присвоение регистрационного кода.

НАИМЕНОВАНИЕ НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИКА:

**ORDER MAX PROJECT MCHJ**

ИДЕНТИФИКАЦИОННЫЙ НОМЕР НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИКА:

**303456062**

ПОЧТОВЫЙ АДРЕС:

**QIZIL G'UNCHA 2-TOR KO'CHASI 13-UY**

РЕГИСТРАЦИОННЫЙ КОД:

**326050108473**

ДАТА РЕГИСТРАЦИИ:

**29.06.2020**



**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 100027 на приобретение Яшнобод туманидаги 272,531-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги жорий таъмирлаш ишлари учун смета лойихасини ишлаб чиқиш**

Способ проведения электронный

Дата 15.06.2022

Время рассмотрения 14.06.2022 14:43

Конкурсная комиссия Мактабгача таълим булими -Марказлашган бухгалтерия, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	AKRAMOVA VILOYAT JORAYEVNA	Мудир	Яшнобод тумани Мактабгача таълим булими
<b>Секретарь комиссии</b>	TASHBAYEV TALATJON XAYRITDINOVICH	Главный бухгалтер	Яшнобод тумани мактабгача таълим булими
<b>Член комиссии</b>	TOJIBAYEVA MALOXAT ODILJONOVNA	Методист	Яшнобод тумани Мактабгача таълим булими
<b>Член комиссии</b>	XUDAYBERGANOV ELYOR BAHTIYAROVICH	Главный инженер	Яшнобод тумани мактабгача таълим булими
<b>Член комиссии</b>	QUSHAQOV TUXTABOY SATTAROVICH	Зав. хоз.	Яшнобод тумани Мактабгача таълим булими
<b>Член комиссии</b>	ESANOV DAVRONBEK IMOMOVICH	Биоларнинг техник ҳолати ва инфратузилмасини назорат қилиш ва жиҳозлаш бўйича муҳандис	Яшнобод МТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 15.06.2022 года № лота 100027.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 50.00 / Весовой коэф. ценовой части: 50.00)

Мин. балл: 20

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги по проведению экспертизы проектно-сметной документации</b>
Подробное описание	Яшнобод туманидаги 272,531-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги жорий таъмирлаш ишлари учун смета лойихасини ишлаб чиқиш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	18 400 000.00
Стартовая сумма	18 400 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Иш бажарилиши муддати белгиланга Кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Иш бажарилиши муддати белгиланга Кафолат хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
AVTO FINANS MCHJ	25	25	25	Экспертная		
OOO TRUST PROF MONTAJ	25	договор	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Талаб этилган хужжатлар такдим этилмаган
ENGINEER STROY MCHJ	25	договор	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Талаб этилган хужжатлар такдим этилмаган
OOO LEDY LUCK	25	договор	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Талаб этилган хужжатлар такдим этилмаган
TOSHKENT LOYIHA EKSPERTIZA MCHJ	25	гарантийный	20	Экспертная		
FINANCE CONSULTING BUSINESS MCHJ	25	Кафолат	24	Экспертная		
O ROZBOY	25	Мавжуд	20	Экспертная		
OOO SMETA-LOYIHA	25	Корхонамиз 3 кунда бажаришга кафолат беради, кафолат хати иловада	25	Экспертная		
ORDER MAX PROJECT MCHJ	25	25	23	Экспертная		

Критерий №2 Иш бажарувчи ташкилотнинг солиқ мажбуриятларидан қарздорлиги йўқлиги ҳақидаги маълумотнома, Иштирокчи корхонанинг курилиш асбоб ускуналари хақида маълумот, Коррупцияга карши талаблар

Тип: Текстовое значение

Описание: Иш бажарувчи ташкилотнинг солиқ мажбуриятларидан қарздорлиги йўқлиги ҳақидаги маълумотнома, Иштирокчи корхонанинг курилиш асбоб ускуналари хақида маълумот, Коррупцияга карши талаблар

Обязательность: Критично



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
AVTO FINANS MCHJ	25	25	20	Экспертная		
OOO TRUST PROF MONTAJ	25	Справка	10	Экспертная		
ENGINEER STROY MCHJ	25	договор	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Талаб этилган хужжатлар такдим этилмаган
OOO LEDY LUCK	25	договор	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Талаб этилган хужжатлар такдим этилмаган
TOSHKENT LOYIHA EKSPERTIZA MCHJ	25	справка	20	Экспертная		
FINANCE CONSULTING BUSINESS MCHJ	25	БАРЧА ХУЖЖАТЛАР ТЕХНИК ШАРТ БУЙИЧА ИЛОВА КИЛИНДИ	24.5	Экспертная		
O ROZBOY	25	Мавжуд	21	Экспертная		
OOO SMETA-LOYIHA	25	Корхонамиз МТМ лар билан ишлаш тажрибасига эга	25	Экспертная		
ORDER MAX PROJECT MCHJ	25	25	23	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
FINANCE CONSULTING BUSINESS MCHJ	18 400 000.00	14 400 000.00	10.06.2022 11:45:31	38.89
TOSHKENT LOYIHA EKSPERTIZA MCHJ	18 400 000.00	16 560 000.00	09.06.2022 11:39:33	33.82
OOO SMETA-LOYIHA	18 400 000.00	14 400 000.00	10.06.2022 17:16:40	38.89
AVTO FINANS MCHJ	18 400 000.00	16 000 000.00	07.06.2022 09:27:11	35.00
O ROZBOY	18 400 000.00	18 000 000.00	10.06.2022 16:39:31	31.11
ORDER MAX PROJECT MCHJ	18 400 000.00	11 200 000.00	10.06.2022 17:29:00	50.00

Итоговая оценка участников включая финансовый части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>FINANCE CONSULTING BUSINESS MCHJ</b>	48.5	38.88889	87.38889
<b>ENGINEER STROY MCHJ</b>	Не прошел	Не прошел	Не прошел
<b>TOSHKENT LOYIHA EKSPERTIZA MCHJ</b>	40	33.81643	73.81643
<b>ООО СМЕТА-ЛОЙИНА</b>	50	38.88889	88.88889
<b>AVTO FINANS MCHJ</b>	45	35	80
<b>O ROZBOY</b>	41	31.11111	72.11111
<b>ООО TRUST PROF MONTAJ</b>	Не прошел	Не прошел	Не прошел
<b>ООО LEDY LUCK</b>	Не прошел	Не прошел	Не прошел
<b>ORDER MAX PROJECT MCHJ</b>	46	50	96

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 100027 от 15.06.2022 года на приобретение Яшнобод туманидаги 272,531-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги жорий таъмирлаш ишлари учун смета лойихасини ишлаб чиқиш определила победителем:

ORDER MAX PROJECT MCHJ  
303456062


и резервный исполнитель: ООО СМЕТА-ЛОЙИНА (307760197)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Член комиссии</b>	XUDAYBERGANOV ELYOR BAXTIYAROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ESANOV DAVRONBEK IMOMOVICH	Согласен	
<b>Председатель комиссии</b>	AKRAMOVA VILOYAT JORAYEVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	QUSHAQOV TUXTABOY SATTAROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ТОЛБАЙЕВА МАЛОХАТ ОДИЛЖОНОВНА	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП





“ТАСДИКЛАЙМАН”

Яшнобод тумани

Мақтабгача таълим бўлими мудирини,

комиссия раисини

В.Ж.Акрамова

**ЯШНОБОД ТУМАНИДАГИ 272,531-СОНЛИ ДАВЛАТ МАҚТАБГАЧА  
ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДАГИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ  
УЧУН СМЕТА ЛОЙИХАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БУЙИЧА  
КОМИССИЯ ЙИГИЛИШ  
БАЁННОМАСИ №-2**

Тошкент ш.

2022 йил “14” Июнь

Иштирок этдилар:

Соат 18:00

- |    |                        |   |
|----|------------------------|---|
| 1. | Акрамова<br>Вилоят     | Яшнобод тумани Мақтабгача таълим бўлими мудирини,<br>Раис   |
| 2. | Худайбергандов<br>Элёр | Бош инженер, аъзо   |
| 3. | Эсанов<br>Давронбек    | Биноларнинг техник ҳолатини ва инфратузилмасини назорат<br>қилиш ва жиҳозлаш бўйича муҳандис, аъзо                                |
| 4. | Кушаков<br>Тухтабой    | Коммунал хизматлар бўйича инспектор, аъзо   |
| 5. | Тожибоева<br>Малохат   | Давлат ва нодавлат мақтабгача таълим муассасаларини ҳамда<br>ўқитишнинг муқобил шакллари ташкил этиш шўъбасини<br>Методисти, аъзо |
| 6. | Ташбаев Талъатжон      | Бош ҳисобчи, котиб  |

**КУН ТАРТИБИ:**






**Яшнобод туманидаги 272,531-сонли давлат мақтабгача таълим ташкилотларидаги  
жорий таъмирлаш ишлари учун смета лойиҳасини ишлаб чиқиш энг яхши  
таклифни танлаш (тендер) ўтказиш бўйича  
(В.Акрамова.,Э.Худайбергандов.,Эсанов.Д.,Т.Кушаков.,М.Тожибоева.,Т.Ташбаев)**

Бўлим томонидан 2022 йил 03 июнда Ўзбекистон Республикаси товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига Яшнобод туманидаги 272,531-сонли давлат мақтабгача таълим ташкилотларидаги жорий таъмирлаш ишлари учун смета лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича № 100027 – лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 14 июндаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланди “Яшнобод туманидаги 272,531-сонли давлат мақтабгача таълим ташкилотларидаги жорий таъмирлаш ишлари учун смета

лойихасини ишлаб чиқиш” баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан ORDER MAX PROJECT MCHJ ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб:

### КАРОР КИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684 – сонли Қонуннинг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш қунига жойлаштирилди. Икки иш қуни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
2. Бўлим бош ҳисобчиси Т. Ташбаевга;  
Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 14 июндаги электрон баённомасига асосан ғолиб ORDER MAX PROJECT MCHJ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

- |    |                       |   |   |
|----|-----------------------|---|---|
| 1. | Худайберганов<br>Элёр | Эксплуатация Хизмат<br>бошлиғи, аъзо  |     |
| 2. | Эсанов<br>Давронбек   | Биоларнинг техник ҳолати ва<br>инфратузилмасини назорат қилиш<br>ва жиҳозлаш бўйича муҳандис,<br>аъзо                               |    |
| 3. | Кушаков<br>Тухтабой   | Коммунал хизматлар бўйича<br>инспектор, аъзо  |  |
| 4. | Тожибоева<br>Малоҳат  | Давлат ва нодавлат мактабгача<br>таълим муассасалари ҳамда<br>ўқитишнинг муқобил шакллари<br>ташқил этиш шўъбаси Методисти,<br>аъзо |  |
| 5. | Ташбаев<br>Талъатжон  | Бош ҳисобчи, котиб  |   |





**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI  
TOSHKENT SHAHAR ADLIYA BOSHQARMASI  
YASHNOBOD TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI**

100016, Yashnobod tumani, Chig'il ko'chasi, 6-uy, tel.: (998 71) 296-22-30

2022-yil 20-iyun

**Yashnobod tumani  
maktabgacha ta'lim bo'limi**

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi: Shartnoma.
2. Loyihaning nomi: "ORDER MAX PROJECT" MChJ va Yashnobod tuman MTB o'rtasidagi 64-sonli loyiha-smeta hujjatlarini tayyorlash ishlarini bajarish to'g'risidagi shartnoma.
3. Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Yashnobod tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 2022-yil 20-iyun kuni tizimga kiritilgan.

Loyiha O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, 1998-yil 29-avgustdagi O'RQ-670-sonli "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonuni, 2021-yil 22-apreldagi O'RQ-684-sonli "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 14-sentyabrdagi PF-6313-sonli "Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoni, 2021-yil 20-fevraldagi PQ-4997-sonli "O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi qo'riqlash bosh boshqarmasining faoliyatini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori hamda Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 20-maydagi 276-son qarori bilan tasdiqlangan "Davlat xaridlarini amalga oshirish bilan bog'liq tartib-taomillarni tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risida"gi nizomga muvofiq ishlab chiqilgan.

**Markaz bosh yuriskonsulti**

**S.Tovbayev**

